**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгох, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2019 йил 29 июль 1/11-1282/8-сон

**Марказий аппарат**
**таркибий бўлинмалари**
(рўйхат бўйича)

**Интеллектуал мулк агентлиги**

Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан 2019 йил 29 июлда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича “Йўл харитаси” ижро учун юборилмоқда.

Мазкур “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашингиз ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича тегишли маълумотларни **“av.ijro.uz”** электрон ахборот алмашинуви тизимига киритиб боришингиз сўралади.

**Илова:** 3 варақда (электрон шаклда).

**Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи** **Ў. Назаров**

Ижрочи: А.Юлдашов
Телефон: (71) 232-50-65

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Адлия вазири**

_____________ **Р. Давлетов**

2019 йил “29” июль

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини ташкил этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш бўйича**
**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

| № | Тадбир номи | Бажариш муддатлар | Масъул ижрочилар | |
|---|---|---|---|---|
| | | | **Интеллектуал мулк агентлиги** | **Адлия вазирлиги** |
| 1. | Интеллектуал мулк агентлигининг Аппеляция кенгаши таркибини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Адлия вазирининг буйруғи.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Э.Саттаров | А.Саидахмедов |
| 2. | Жамиятда интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуққа нисбатан ҳурмат билан қараш маданиятини шакллантиришга қаратилган тарғибот чоралари ва ишларини ўтказиш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Ташкилий чора-тадбирлар режаси.* | Тасдиқланган жадвалга мувофиқ | Г.Вапаева | Ш.Рабиев,<br>С.Уринбаева |
| 3. | “Интеллектуал мулк соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ўқув маркази” давлат унитар корхонасини “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги қошидаги Интеллектуал мулк консультатив маркази” давлат унитар корхонаси низоми ва бошқа локал норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>10 август | М.Мансуров | Ш.Кучкаров,<br>Ў.Назаров,<br>З.Туляганов |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. | Агентлик таркибий бўлинмалари Низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>15 август | таркибий бўлинма бошлиқлари,<br>Г.Кенжаахунова | Ш.Кучкаров,<br>Ў.Назаров |
| 5. | Агентлик таркибий бўлинма раҳбар ва ходимларининг вазифалар тақсимоти ҳамда мансаб йўриқномаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг локал ҳужжати.* | 2019 йил<br>15 август | таркибий бўлинма бошлиқлари,<br>Г.Кенжаахунова | Ш.Кучкаров |
| 6. | Агентликда иш юритиш йўриқномасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | З.Жумаев | Ў.Назаров |
| 7. | Давлат органлари, корхоналари, муассасалари ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига аниқланган қонунбузилишлар, уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимнома лойиҳасини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Намунавий лойиҳани тайёрлаш.* | 2019 йил<br>10 август | Ж.Мансуров | А.Турдиев |
| 8. | Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома лойиҳасини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Намунавий лойиҳани тайёрлаш.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Ж.Мансуров | М.Аллакулиев |
| 9. | Маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Намунавий лойиҳани тайёрлаш.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Ж.Мансуров | М.Аллакулиев |
| 10. | Агентлик томонидан кўрсатиладиган пуллик хизматлар рўйхати ва тарифини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Адлия вазирининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Н.Хошимов | Р.Давидова,<br>Т.Бекбутаев |
| 11. | Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун бузилишлари тўғрисидаги хулоса лойиҳасини тайёрлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Намунавий лойиҳани тайёрлаш.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Ж.Мансуров | А.Турдиев |
| 12. | Агентлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Г.Кенжаахунова | Ў.Назаров,<br>Ш.Кучкаров |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 13. | Агентликда мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | З.Жумаев | Ў.Назаров,<br>Ш.Кучкаров |
| 14. | Агентлик ходимларига тўланадиган устамалар, мукофотлар ва бошқа тақдирлаш пулларини тўлаш тартиби ва шартларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Н.Хошимов | Т.Бекбутаев |
| 15. | Агентликнинг Илмий-техник кенгаши низоми ва шахсий таркибини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Адлия вазирининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Э.Саттаров | А.Саидахмедов |
| 16. | Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва услубини, иш индикаторларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Адлия вазирининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | таркибий бўлинма бошлиқлари | А.Саидахмедов |
| 17. | Агентликда ҳужжатларни қимматлилигини аниқловчи доимий амал қилувчи эксперт комиссияси тўғрисидаги Низом ва эксперт комиссияси таркибини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | З.Жумаев | Ў.Назаров |
| 18. | Агентлик ходимларини рағбатлантириш ва меҳнатларини муносиб баҳолаш мақсадида “Ойнинг энг яхши ходими”, “Йилнинг энг яхши ходими” танлови тартиби ва танлов комиссияси таркибини тасдиқлаш.<br>***Амалга ошириш шакли:*** *Агентлик директорининг буйруғи лойиҳаси.* | 2019 йил<br>1 сентябрь | Г.Кенжаахунова | Ш.Кучкаров,<br>Ў.Назаров |